2008 ЙИЛ, 19 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 185 (11.246) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

*Янгиликлар, воқеалар*

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Кўргазма доирасида «Саноат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси» мавзуида форум бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** шаҳримизда Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан автоҳалокат содир бўлганда азият чеккан шахсга тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш масаласига бағишланган навбатдаги ўқув машғулоти уюштирилди.

● **АЙНИ** кунларда Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, шаҳар Санитария-эпидемиологик назорати маркази ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорликларида шаҳримизда уюштирилган «Тоза ҳаво» акцияси қизғин давом этмоқда.

● **КЕЧА** пойтахтимиз мактаблари ўқувчилари ўртасида Ёшлар йилига бағишлаб уюштирилган «Маърифатли юрт фарзандларимиз» кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

● **КЕЧА** шаҳримизда қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган семинар қўриқхоналар тизимини янада ривожлантириш масаласига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Давлат архивига моддий техник базани мустаҳкамлаш мақсадида замонавий технологиялар келтирилди.

● **КЕЧА** Ҳамза туман маданият ва спорт касаба уюшмаси ташаббуси билан ёшлар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» деб номланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

*2008 – Ёшлар йили*



## ИСТЕЪДОДЛИЛАР КЎРИГИ

**"ТУРКИСТОН" САРОЙИДА "ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ" ЖАМҒАРМАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ "КАМОЛОТ" ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "КЕЛАЖАК ОВОЗИ-2008" ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси А.Алимов, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси Б.Шаропов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимизни янада равнақ топтириш, унинг куч-қудратини ошириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларда навқирон авлодни соғлом тафаккур, юксак маънавият соҳиблари этиб тарбиялаш, ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятимизнинг ишончи ва таянчига айланиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидлади.

Бу жиҳатлар таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маънавият ва маърифат, ижтимоий ҳимоя каби йўналишларда олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Юртимизнинг барча гўшаларида барпо этилаётган умумтаълим мактаблари, ёшлар бадиий ижодиёт марказлари, маънавият ва маърифат масканлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ёш авлодни жисмоний ва маънавий камол топтиришга, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, ёшларнинг иқтидорини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида ўғил-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, навқирон авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида тарбиялаш, истеъдодини барвақт аниқлаш каби масалаларга янада кенг эътибор қаратилмоқда. Бунда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари, жумладан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати каби ташкилотлар муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ушбу ташкилотлар ҳамкорлигида юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» иқтидорли ёшларнинг республика танлови серғайрат, изланувчан, фаол йигит-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг сафини кенгайтириш, истеъдодини юзага чиқариш, келгусида жамиятимизда ўз муносиб ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йиллар мобайнида танлов ғолиб ва совриндори бўлган ёшлар илм-фан, бадиий ижод, тасвирий санъат, меъморлик, дизайн, ахборот технологиялари, спорт каби соҳаларда ўз билим ва салоҳиятини кенг намоён этаётир. Шу боис ижодий беллашув юртимиз ёшлари ўртасида тобора катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бу йилги танловнинг ўзига хослиги – унинг дастлабки босқичларида ҳар йилгидан ҳам кўпроқ – эллик саккиз минг нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этганида, беллашувнинг нафақат шаҳар ва вилоят, балки туман босқичлари ҳам юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтганида намоён бўлмоқда. Бу жиҳатлар «Келажак овози-2008»нинг Тошкент шаҳар босқичида ҳам ўз ифодасини топди. Танловнинг пойтахт босқичида олти мингдан ортиқ ёш иштирок этди. Уларнинг эллик саккиз нафарига эса республика босқичига йўлланма олиш насиб этди.

Тошкент кимё-технологиялари институти талабаси Мадина Ҳамидова – уларнинг бири. У ёғ-мой саноатида иккиламчи маҳсулотдан пахтачилик ва чорвачиликда унумли фойдаланишга оид илмий лойиҳа тақдим этиб, «Рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар» йўналишида танловнинг пойтахт босқичида ғолиб топилди. Ёш тадқиқотчининг изланиши самарадорлиги, камхаржлиги, тежамкорлиги билан олим ва соҳа мутахассисларининг эътиборини тортди. Мадинанинг лойиҳаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан самарали фойдаланиш баробарида электр қуввати, сув заҳираларини сезиларли даражада тежаш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

– Мен спорт йўналиши бўйича ғолиб чиқдим, – дейди пойтахтимиздаги Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи ўқувчиси Жамолиддин Салимжонов. – Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигини ҳар қадамда – билим олишимиз, изланишимиз, кундалик меҳнат фаолиятимизда астойдил ҳис этиб турибмиз. Буларнинг барчаси бизни Ватан тақдири учун масъулиятни чин юракдан ҳис этадиган инсонлар бўлиб вояга етишга, юртимизда биз, ёшлар учун яратилган имконият ва шароитнинг қадрига етишга, истиқлол неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

Маросимда кўрик-танловнинг пойтахт босқичи ғолибларига дипломлар топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**
**А. Абдуллаев (ЎзА) олган сурат.**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

**ПОЙТАХТИМИЗДА МАКТАБЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. У ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ТУРАР-ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИ НАМУНАВИЙ ҲАМДА ТАЖРИБАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ, БМТНИНГ МИНТАҚАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ МАРКАЗИ – UNCRD ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Конференцияда юртимиздаги турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, қурилиш ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Марказий Осиё минтақаси мамлакатларидан соҳа мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ўринбосари А.Тўхтаев, халқ таълими вазири Ғ.Шоумаров, фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари Ҳ.Абдулазизов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган навқирон авлод камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилаётган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра, жаҳон андозалари даражасидаги кўркам ва замонавий умумтаълим мактабларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида биноларнинг меъморий ва сейсмик жиҳатдан хавфсизлигини, техник мукаммаллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, жаҳонда тобора глобал тус олиб бораётган табиий офатлар, турли техноген жараёнлар дунё ҳамжамиятида хавотир ва ташвиш уйғотмоқда. Жумладан, ер силкиниши оқибатида турли иншоотлар, одамлар, айниқса болалар жиддий зарар кўрмоқда. Бу эса истиқболда қурилажак бинолар, мактабларнинг сейсмомустаҳкамлиги, хавфсизлигини таъминлашни талаб этади.

— Табиий офат эҳтимоли жаҳоннинг барча мамлакатлари учун бирдек дахлдордир, — дейди БМТнинг Минтақавий тараққиёт маркази – UNCRD директори Казунобу Оногава. - Ер силкиниши бугун дунё мамлакатларида содир бўлиб турибди. Шу маънода, Ўзбекистонда умумтаълим мактабларининг сейсмологик ишончлилиги, хавфсизлиги, мустаҳкамлиги, турли табиий офатларга бардошлилигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар чуқур ва мукаммал таҳлилларга асослангани билан диққатга сазовордир. Бу борада юртингизда тўпланган ижобий тажрибани нафақат Марказий Осиё мамлакатларида, балки Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларида ҳам ўрганса, ибрат олса, амалиётга жорий этса арзийди.

Икки кун давом этган конференцияда умумтаълим мактабларининг сейсмологик мустаҳкамлигини таъминлашнинг долзарб масалаларига оид маърузалар тингланиб, муҳокама этилди. Истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Хонов сўзга чиқди.

**ЎзА мухбири**

## ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ" МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев бошқарган семинарда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ҳамда халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган Конституциямизда белгиланган меъёрларнинг амалда ўз ифодасини топаётгани мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий замини ҳам, аввало, Конституциядир.

Конституциямизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилган.

Бу тамойиллар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ҳам асосини ташкил этади. Жорий йилда жаҳон жамоатчилиги мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганининг олтмиш йиллигини кенг нишонлайди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 1 майда эълон қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифалар изчиллик билан амалда татбиқ этилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларининг амалга оширилиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик ва миллий институтлар тизими ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси пойтахтимиздаги «Grand Mir» меҳмонхонасида давра суҳбати ташкил этди. Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ижтимоий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ННТлар ҳолатини молиялаштиришнинг янги механизмлари ҳақида сўз борди.**

● **Пойтахтимиздаги «Экспомарказ» биносида «O'ZBEKinPrint» ҳамда «O'ZUPAK» матбаа маҳсулотлари ўнинчи халқаро кўргазмалари давом этмоқда. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Савдо ваколатхонаси ҳамда «Пол-Рос» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада ўнга яқин давлатлар вакиллари иштирок этмоқда.**

● **Тошкент вилояти ҳокимлигида Президентимиз тавсияси билан Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг 17 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарор ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

● **Бухоро шаҳрида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида сайёр семинар ўтказилди.**

● **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида биология, экология ва тупроқшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда профессор-ўқитувчилар, мутахассислар ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди.**

● **Самарқандда «Соғлом авлод учун халқаро нодавлат хайрия жамғармаси, республика Рус миллий маданий маркази ҳамда Диабет маркази — «Medilfe Farma» компанияси билан ҳамкорликда қандли диабет билан оғриган болалар ва ўсмирлар учун қанд хасталигини бир зумда аниқлайдиган 147 дона глюкометр аппаратларини топшириш акцияси бўлиб ўтди.**

● **Фарғона шаҳрида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда шаҳардаги 43 та корхона 1244 та иш ўрни билан иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

● **Исроил ташқи ишлар вазири Ципи Ливни ҳукумат раислигига бўлиб ўтган сайловда ғолиб чиқди. «Кадима» партияси сайлов комиссияси маълумотига кўра, Ципи Ливни хоним партиядошларининг 43,1 фоиз овозини тўплаб рақиби — транспорт вазири Шаул Мофазни ортда қолдирган.**

● **Доғистон жанубида Беслан воқеасини такрорлаши мумкин бўлган қўпорувчиликнинг олди олинди. Федерал хавфсизлик хизматининг Доғистон бўйича бошқармаси ва республика махсус хизмати ҳамкорлигида олиб борилган амалиёт чоғида бир гуруҳ жангариларнинг хавфли режасига чек қўйилган. Хабарларга кўра, жангарилар республика жанубидаги мактаблардан бирини гаровга олмоқчи бўлишган.**

● **Туркманистон 2009 йилда миллий валютасини деноминация қилмоқчи. Эски 5000 манат янги кўринишдаги 1 манат билан алмаштирилади. Бугун муомалада бўлган энг катта 10000 манатлик купюра янги 2 манатга тенглаштирилади. Эски манатларни янгисига алмаштириш жараёни 2009 йилнинг 1 январидан 31 декабригача давом этади.**

● **Хитойда заҳарланган сутдан ўлим топган гўдаклар сони 11 нафарга етган. 7 минг нафар болакай қуруқ сутдан заҳарланиш орқали шифохонада даволанмоқда. Бу мудҳиш воқеаларнинг энг бошида «И-ли» сут маҳсулотлари корпорацияси турибди. Мамлакат савдо расталаридан ҳозирга қадар 700 тонна заҳарли сут қайтариб олинган.**

● **Японияниниг Фукуока префектурасида жойлашган «Toyota Motor» заводида портлаш юз берганлиги ҳақида «Bloomberg» ахборот агентлиги хабар беради. Бу воқеага электр ўтказгичда пайдо бўлган носозлик сабаб бўлган. Корхонада ҳали иш бошланмаганлиги боис ҳеч ким жабр кўрмаган.**

● **«Reuters» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Афғонистон шарқида портлаш рўй берди. Кучли портловчи қурилманинг ҳаракатга келтирилиши натижасида бир нафар тинч аҳоли ва АҚШ Қуролли кучларининг тўрт нафар аскари ҳалок бўлган. Ҳозирча ҳеч ким ушбу хунрезликни зиммасига олгани йўқ.**

● **Лондон шаҳрида рассом Дэмиен Херст асарлари аукциони якунига етди. Савдоларда унинг ижод намуналари 111 миллион АҚШ долларига сотилди. Бу рекорд кўрсаткич ҳисобланади.**

● **«Reuters» ахборотида келтирилишича, Индонезиянинг Ачех музофотидаги «Ачех партияси» биносига номаълум шахс томонидан граната улоқтирилиб, бундан фақатгина офис талафот кўрган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари воқеа жойида текшириш ишларини олиб бормоқда.**

● **АҚШ Ҳарбий денгиз кучлари Коста-Рика қирғоқларида 6,6 тонна кокаин моддаси юкланган сув ости кемасини қўлга туширишди. Бу ҳақда хавфсизлик ишлари бўйича вазир Жанина дель Вечио маълум қилди. Оғунинг кимга тегишли эканлиги тўғрисида маълумотлар йўқ.**

*2008 — Ёшлар йили*

# «БУНЁДКОР ЁШЛАР» БОҒЛАРИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

**МАЪЛУМКИ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ, ЮРТИГА САДОҚАТЛИ, КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА КАТТА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ХУСУСАН 2008 ЙИЛНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ЁШЛАР ЙИЛИ ДЕБ НОМЛАНИШИ, БУ БОРАДА ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ҲАМ АЙНАН КЕЛАЖАК АВЛОД КАМОЛОТИГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН ЭЪТИБОРГА МОЛИКДИР.**





Айни кунларда «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси, пойтахт шаҳримизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бутун шаҳримиз бўйлаб катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Куни кеча Учтепа туманидаги «Ором» номидаги умумий ўрта таълим-тарбия боғча мактаб мажмуасида юқоридаги хайрли мақсадлар йўлида «Учтепа» бунёдкори» деб номланган ёшлар фестивали катта тантана билан ўтказилди.

Маълумки ободонлаштириш ишларида ёшлар фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва пойтахтимиз ҳудудини кўкаламзорлаштириш ишларида фаол бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, шунингдек Тошкент шаҳар ҳокимининг 2008 йил 8 июндаги «Тошкент шаҳар ҳудудида санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда ёшлар фаоллигини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида барча туманларда мактаб ўқувчилари иштирокида фаол ёшлар гуруҳлари тузилиб, ҳудудлардаги ташландиқ, қаровсиз қолган майдонларда кичик-кичик боғлар яратилмоқда.





— Туманимизда «Ёшлар йили» Давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси бўйича вояга етмаган ўсмир-ёшлар, яъни мактаб ўқувчилари ғайрати билан катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, — дейди 203-мактаб директори Озода Эгамбердиева. — «Бунёдкор ёшлар» кўрик-танловида қатнашар эканмиз, ёшларимизни меҳнатга, интилишга, изланишга чақириш қанчалик керак ва фойдали эканлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бугунги кунимизга муносиб авлодни вояга етказишда бундай ғайрат-шижоатга чорловчи тадбирларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Фестивалда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, туман ҳокими Шуҳрат Муҳамеджонов, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бошқаруви раиси Жамолиддин Шоҳакимов ва бошқалар Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган катта эътибор ва ғамхўрлиги, уларга билдирилаётган катта ишонч ҳақида, гўзал Тошкент шаҳримизнинг қутлуғ 2200 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун яратилаётган «Бунёдкор ёшлар» боғлари, ўқувчиларнинг бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларида ғайрат билан киришиб тенгдошларига ибрат бўлаётганлари, кўрик-танловларда ғолиблик учун астойдил интилишлари ва улар шунга яраша муносиб тақдирланишлари ҳақида фахр билан гапириб, келгусида ҳам мана шундай ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлишларига ишонч билдирдилар.

Карнай-сурнай садолари остида, ғоятда чиройли қилиб безатилган, мактаб-боғчада ўтказилган, қатнашчиларга бир олам завқу шавқ улашган ушбу фестивалда «Бунёдкор ёшлар» кўрик-танлови ғолиблари, адабиёт, санъат, маданият ва спортда катта ютуқларга эришган иқтидорли ёшларни тақдирлаш маросими ҳам ҳаяжонли, ҳам таассуротларга бой бўлди.

— Ёшларимиздаги ҳаяжон ва кўтаринкиликни кўриб бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиб туриш, бўш вақтларини фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали уларни меҳнатга, дўстлашишга, шу она тупроқни севишга ўргатиш керак экан, — дейди туман вояга етмаганлар бўйича комиссияси масъул котиби Лемора Бикирова. — Чунки ташаббусни кенг ёйсак, ёшлар ҳам ўз-ўзидан ёнидаги шеригига эргашар экан. Ҳозирча 28 та боғ яратилган бўлса барчасига ўқувчиларнинг катта меҳнатлари сингди. Энди улар боғни ўзлари қараб, асраб-авайламоқдалар. Меҳнатнинг қадрига етишни ўргатиш ҳам бевосита тарбиянинг бир бўлаги.

— Биз ҳудудимиздаги 4-мактабда чиройли боғ яратилишига бевосита кўмакчи бўлдик, — дейди «Нишабариқ» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Ҳолида Аширова. — Фарзандларимизни тўғри йўлга солишда меҳнатнинг ўрни катта, албатта.

Тадбирда «Маҳаллалар ва ширкатлар ҳамкорлигида ташкил этилган болалар майдончалари», «Ерлик маҳаллалар томонидан ўрта умумтаълим мактабларида ташкил этилган боғлар», «Кўп қаватли уйлар мавзелари ҳудудида ташкил этилган боғлар каби бир қатор номинациялар бўйича ғолиблар диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Унга кўра энг олий ўринга «Ором» номидаги умумий ўрта таълим-тарбия боғча-мактаб сазовор бўлди. 116-мактаб биринчи ўринга, 245-мактаб иккинчи ўринга, 75-мактаб учинчи ўринга муносиб деб топилди. Эътиборлиси ҳар бир номинация бўйича ўринлар белгиланиб ғолиблар муносиб тақдирланди.

Бутун тадбир давомида эл суйган Бахтиёр Султонов, Самандар каби хонандалар, ёш ижрочи ва кичкинтойлар гуруҳлари ижросида янграган дилрабо куй-қўшиқлар ва рақслар барчани даврага чорлаб, фестивалга ниҳоятда кўтаринкилик, завқу-шавқ бағишлади.

«Яхшидан боғ қолади» шиори остида ўтган ушбу байрам ишонамизки, узоқ вақт қатнашчи ва иштирокчилар ёдида қолади ва кейинги «Бунёдкор ёшлар» боғларининг яратилишида барчага катта ғайрат ва шижоат, келажакка ишонч уйғотишга хизмат қилади.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Учтепа бунёдкори» фестивалидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*Иқтисодиёт*

# СИФАТИ БИЛАН ХАРИДОРГИР

**ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ОЛТИ ОЙИ ДАВОМИДА «ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТИЗИМИДАГИ КОРХОНАЛАРДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 130 ФОИЗГА ЎСДИ. ШУНИНГДЕК, КЎПЛАБ ЯНГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИШГА ТУШИРИЛГАНИ ТУФАЙЛИ ҲАМ БУНДАЙ ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТИГА ЭРИШИЛДИ.**

2007 йилда иш бошлаган «Ralis Trade» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам ушбу тармоқда ўз ўрнига эга. Мазкур жамиятда эркаклар учун маҳаллий хом ашёдан хорижникидан асло қолишмайдиган юқори сифатли, замонавий дизайндаги спорт кийим-кечаклари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг 60 нафар қўли гул чеварлари йилнинг бир чорагида 150 мингта шундай маҳсулотни тайёрлашга эришди ва уларнинг асосий қисми «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан Россия, Германия давлатларига экспорт қилинди.

Эътиборли томони, маҳсулот сифати билан харидоргирлигини тўғри англаган ушбу корхона тадбиркорлари цехларни Туркия, Япония,Германия давлатларида тайёрланган энг замонавий бичиш-тикиш ускуналари, керакли дастгоҳлар билан жиҳозлашган. Шу боис ҳам жамоа аҳлининг ғайрат-шижоати маҳсули бўлган «Ralis Trade» савдо белгили спорт кийимлари нафақат ички бозоримизда, балки хорижда ҳам харидорини топаётгани бежиз эмас.

Жорий йил охиригача жамият маъмурияти иш ўрнини 140 тага етказишни эзгу мақсад қилган ҳолда саъй-ҳаракатларни олиб бормоқда.

# ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

**ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ МУҲИМ ОМИЛЛАРДАН ЭКАНЛИГИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС. ШУ БОИС ЮРТИМИЗДА БУ СОҲА РАВНАҚИГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА.**

Йилдан-йилга сафлари кенгайиб бораётган ёш тадбиркорлар орасида Мирзо Улуғбек туманида ўтган йили фаолият бошлаган изланувчан Нафис Шодмоналиев ҳам ўз ўрнига эга. У бош бўлган кичик цехда ҳозирда 4 нафар маҳалла ёшлари иш ўрнига эга бўлди.Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг самарали дастгоҳ ва ускуналари мададида маҳаллий хом ашёдан 5 хилдаги сифатли печенье ҳамда пряниклар ишлаб чиқарилмоқда. Доимий изланишда бўлган тадбиркор ички бозорни ўрганиш асносида йил охиригача яна икки турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни мақсад қилган.

**Муҳаббт ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ЭЪТИБОРДА

**ТОШКЕНТДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ» МЕҲМОНХОНАСИДА САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ҲИМОЯ ЛИНИЯСИ — 2008» ВА «САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДА, ШУНИНГДЕК, ФАЛОКАТ ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ТАЖРИБА АЛМАШИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ФОРУМ»ГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Республикамиз бозорида махсус кийим-кечак, пойабзал ва ҳимоя жиҳозлари ишлаб чиқариш борасида етакчи ҳисобланган «PROOFLINE CO.LTD» ташаббускори бўлган «Ҳимоя линияси — 2008» халқаро кўргазмаси мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза қилиш борасида муҳим одимлардан бири бўлиб, ривожланган давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаларидан унумли фойдаланишга имкон яратади. Шунингдек, Ўзбекистон ички бозорини махсус кийим-кечак ва пойабзал ҳамда ҳимоя воситалари билан тўлдиришга хизмат қилади. Кўргазмада меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида маҳсулот тайёрлаётган Германия, Америка, Франция, Бельгия, Россия, Тайван каби давлатларнинг дунёга машҳур корхона ва компаниялари иштирок этишмоқда.

Кўргазма бўлимларидан эса саноатда ва бошқа зарарли шароитларда меҳнат қилаётган кишиларни ташқи таъсирлардан ишончли ҳимоя қиладиган оёқ ва бош кийимлари, қўлқоплар, противогазлар ҳамда уст-бошлар жамланмалари намойиш этилмоқда.

Халқаро форум эса дунё миқёсида долзарб мавзу бўлиб турган меҳнатни муҳофаза қилиш, турли фалокатлар чоғида кишилар соғлиғини ишончли ҳимоялаш борасида тажриба алмашишга, биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқишга замин яратади. Асосийси, форумда қатор мамлакатларнинг етакчи эксперт ва мутахассислари соҳага оид маърузалар билан иштирок этишмоқда. Бу эса шубҳасиз саноат соҳасида кишилар хавфсизлигини таъминлаш, фалокат ва бахтсиз ҳодисалар содир бўлганда қўлланиладиган чоралар борасида ҳамкорликка замин яратади.

Икки кун давом этадиган кўргазмада мамлакатимиздаги «Ўзбекнефтгаз», «Ўзкимёсаноат», «Автопром» каби улкан компаниялар тизимидаги ташкилот ва корхоналар иштирок этишмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

# КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ РИВОЖИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Йирик комбинатлар, фабрикалар билан бир қаторда кичик ва хусусий корхоналарнинг ишга туширилиши соҳада рақобатнинг кучайишига олиб келди. Натижада ички бозор ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотлар билан бойиди. Бу маҳсулотларнинг баъзи турлари хорижда ҳам юқори баҳоланаётганлиги қувонарли ҳол, албатта.

Бундан саккиз йил олдин ташкил этилган «Di ixlos» очиқ акционерлик жамияти бугунги кунда Ўзбекистоннинг тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари орасида мустаҳкам ўрин эгаллаб турибди.

Фабрикада ўрнатилган дунёга машҳур маркали ускуналар ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқаришга тез мослаша олади. Шу боис ҳам маҳсулот турлари доимо кенгайиб боради. Айни вақтда «Di ixlos» корхонасида ички кийимлар, ётоқ анжомлари, спорт формаси ва махсус кийимлар, халат ва шапка, қўлқоп сингари 50 дан ортиқ турдаги тикувчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бундан ташқари, бу ердаги махсус полиграфия ускунаси ёрдамида тайёр маҳсулотга расмлар, эмблемалар, корпоратив рамзий белгиларни тушириш мумкин.

Ушбу таннархи паст ва юқори сифатли маҳсулот корхонага тендерларда ғолиб чиқиш ҳамда ҳарбий бўлинмалар, Давлат божхона қўмитаси шахсий таркиби, йирик саноат компаниялари учун катта миқдорда ётоқхона анжомлари, спорт формаси, махсус кийимларни тайёрлаш учун буюртма олиш имконини бермоқда. Мисол учун, «Di ixlos» «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси учун антистатистик ипдан махсус кийим тикиш бўйича тендерда иштирок этиб, ўзининг фойдали шартлари ҳамда тегишли технологияни ишлаб чиққанлиги сабабли ғолиб чиқди ва ушбу корхона учун қиймати 210 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш бўйича буюртма олди. Бу ерда, шунингдек, «Spentex Tashkent Toytepa» CLC учун махсус кийимлар тикилмоқда, «UzDAEWOO textile compani» буюртмалари бажарилмоқда.

— Бизда 42 киши ишлайди,— дейди «Di ixlos» корхонаси директори Диана Панжиева. — Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Ёшлар малакали мутахассислар бошчилигида тикувчилик ва бичувчилик сирларини ўрганмоқда. Саккиз киши билан касаначилик бўйича меҳнат шартномаси тузилган. Улар корхонадан тайёр бичилган маҳсулот ва хомашё оладилар. Касаначилар жамоамизнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади, доимий маош билан таъминланган, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига жалб этилган.

Корхонада, шунингдек, ижтимоий масалалар ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Хусусан, фабрикадан узоқда яшайдиган ва бу ерга жамоат транспортида етиб келадиган ишчилар бепул йўл карточкалари билан таъминланмоқда.

«Di ixlos» қўшни маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга кийим-бош тарқатиш каби хайрия ишлари билан ҳам шуғулланади. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан масъулияти чекланган жамият томонидан 24- «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ва Ногиронлар жамиятиға кийим-кечаклар тақдим этилди.

Корхонада оқилона маркетинг сиёсати йўлга қўйилгани, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг юқорилиги «Di ixlos» жамоаси келажакка ишонч билан боқиши, истиқболли режалар тузиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

**А.АРИСТОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Қарор ва ижро*

# БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

**КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТДА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ТАҚДИМНОМАСИГА МУВОФИҚ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТОМОНИДАН МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИНГ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР-ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИ ҲАМДА УШБУ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНИШИГА МУТАСАДДИ БЎЛГАН БОШҚА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданоқ демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти йўлини танлаб, умуминсоний ҳамда миллий қадриятларимизга суянган ҳолда изчил сиёсат юритиб келмоқда. Бу борада барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида инсон манфаати устун тамойил деб белгиланганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз илк қўшилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари Асосий Қомусимизда ҳамда барча миллий қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Чунончи, Ўзбекистон Конституциясида инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқодидан қатъи назар, энг олий қадрият дея белгиланган. Мустақиллигимизнинг ўтган йиллари давомида биз, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, барча жаҳон қадриятлари орасида энг муҳим — инсон манфаатини устун қўйиб, шу асосда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни энг мақбул ҳуқуқий меъёрларга тенглаштиришга интилиб бораётирмиз.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ҳам шу мақсадларга йўналтирилган бўлиб, кейинги йилларда ушбу соҳада амалга оширилаётган либераллаштириш жараёнлари, мутахассислар фикрига қараганда, ўз аҳамияти билан жаҳон даражасига етган. Ўз навбатида, баъзи жабҳаларда анча устунликларга эришилганини халқаро аналитиклар тажриба тариқасида қўллаш мумкин дея баҳолаётирлар.

Адашганларни афв этувчи галдаги амнистия ҳақидаги ҳужжат ҳам Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида, умуман давлат ва жамият қурилиши йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсонпарварликка йўғрилганлигидан далолат беради. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бу борадаги тегишли қарорни чиқариш ваколати парламентнинг юқори палатасига берилгани ҳам мамлакатимизда демократик тамойилларга амал қилинаётганининг исботидир.

Амнистия мустақиллигимизнинг илк йилларидан бери жорий этиб келинмоқда ва бу борада тегишли тажриба ҳам орттирилган. Шу билан бирга, шаҳар прокурори Баҳриддин Валиев анжуманда таъкидлаб ўтганидек, бу борада авваламбор ҳуқуқ-тартибот идоралари ва барча манфаатдор тузилмалар даражасида тушунтириш ишларини олиб бориш талаб этилади. Шубҳасиз, очиқ мулоқот тарзида ўтказилаётган семинар-йиғилишлар ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қаторида соғлиқни сақлаш, таълим, меҳнат, бошқа ижтимоий муҳофаза масалаларига оид ташкилот ва муассасалар вакиллари учун амнистия қарорининг тўғри, мақсадли, манзилли ва албатта қонун доирасида татбиқ этилишида амалий қўлланма вазифасини ўтайди, зеро барча масалаларга биргаликда ойдинлик киритиш ва ҳал қилиш имконияти мавжуддир.

Семинар аввалида қонунни четлаб адашганларни афв этиш ҳужжатига киритилган янгиликлар хусусида ахборот берилди. Аҳамиятлиси шундаки, амнистияга тушаётган шахсларга нисбатан қарор чиқариш ҳуқуқи эндиликда судларга берилди, тегишли ҳужжатларни судга тақдим этиш ваколати эса прокуратура зиммасига юклатилди. Дарвоқе, бу борада нафақат Сенат қарори, балки амнистияни қўллаш тартиби ҳам тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатнинг яна бир эътиборли томони шундаки, биринчи марта амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларини амалга оширишда хато ва камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкораликни таъминлаш банди киритилган. Бунда республикамизнинг ҳар бир минтақасида ҳудудий комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар ташкил этилиши ҳам белгиланган.

Сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(Омбудсман)нинг минтақавий вакили таркибида тузиладиган ишчи гуруҳларнинг вазифаси жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳбуслар билан суҳбат ўтказиш, уларнинг шахсий ишлари билан танишиш, амнистия тўғрисидаги қарорни қўллашга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш, афв туфайли озод этилган шахслар билан олиб борилаётган ишларни мониторинг қилишга йўналтирилган. Бу борада амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида эканлигига ҳам урғу берилган. Суиистеъмолликка йўл қўймаслик, амнистия қарорини нотўғри қўллаш ёки рад этиш каби ҳолатларни бартараф этиш масалалари ҳам назардан четда қолмаган.

Ўзбекистон Бош прокуратураси бошқармаси бошлиғи Музаффар Мирсолиҳов таъкидлашича, кейинги йилларда амнистия туфайли юзлаб шахслар муддатидан илгари озод қилинган. Бироқ бу йилги афв этиш акти таъсир доираси аввал амнистияга тушганларга нисбатан қўлланилмайди, шунингдек озодликдан маҳрум этилганларнинг жазо муддати қисқартириш институти ҳам бекор қилинди.

Шу нуқтаи назардан, Бош прокуратура бўлими бошлиғи Маҳромқул Эрматов айтиб ўтганидек, ҳар бир амнистияга тушаётган шахсга нисбатан алоҳида ёндошилиши зарур, айниқса унинг илгари судланган ёки судланмаганлигига аниқлик киритиш муҳим аҳамият касб этади ва бу шахс суд жараёнида иштирок этиши, албатта шартлидир.

Семинар давомида хорижий давлатлар фуқароларига нисбатан қўлланилаётган амнистия қоидалари ҳам тушунтириб ўтилди. Жумладан, Ўзбекистон қонунчилигига асосан жазони ўтаётган хорижий давлат фуқароси амнистия туфайли озод этилса, кечиктирилмай ўз юртига депортация қилиниши лозим.

2008 йил январь ойидан мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиниши инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Шу асосда ўнлаб маҳбуслар афв этилиб, оғир жиноят содир этганига қарамасдан, ҳаёти сақланиб қолинди. Шундан келиб чиқиб, амнистия узоқ муддатга ёки умрбод, хусусан, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсга қўлланилмайди.

Шуни айтиш лозимки, амнистия энг аввало қамоқдаги аёлларга ва жиноят содир этган пайтда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек 60 ёшга тўлган эркакларга татбиқ этилади. Ижтимоий хавфи бўлмаган ёки унча оғир ҳисобланмаган жиноят содир этганлар ҳам озодликка чиқарилади.

Жазо муддатини ўтаётганлар, одатда, амнистияни умид билан кутади. Зеро улар давлатимизнинг инсонпарварлигига ишонади. Бундай ишонч ва умид уларни, ўйлаймизки, яхши тарафга ўзгаришга ундайди.

Дарҳақиқат, давлатимиз адашганларни кечириб, тўлақонли ҳаётга қайтиши учун имконият бермоқда. Афв этилган шахслар озодликка чиқиши билан биргa ишга жойлаштирилади, тиббий муолажалар олади, уларнинг турмуш шароитлари яхшиланиб, моддий ёрдам ҳам кўрсатилади. Демак бу борада афв этилганларни кейинчалик жамиятда муносиб ўрин эгаллашида, шубҳасиз, ҳуқуқ-тартибот органларидан ташқари, соғлиқни сақлаш, меҳнат — барча ижтимоий кўмак беришга мутасадди бўлган идораларнинг ўз зиммасидаги вазифаларни нечоғлик масъулият билан бажаришига ҳам боғлиқдир.

Адашганларга нисбатан кечиримли бўлиш халқимизга хос бўлган инсонпарварлик ва бағрикенглик қадриятдир. Шундай экан, йиғилишда айтиб ўтилганидек, амнистия туфайли мурувват кўрсатилаётган шахслар эндиликда тўғри йўл танлаб, ҳар доим ўз оиласи ва яқинлари даврасида муносиб ҳаёт кечиришида жамоатчиликнинг иштироки, эътибори ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак. Зеро бизнинг жамиятда ҳар бир инсоннинг қадри барча нарсадан устундир.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

# ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ТОПГАН КАСБ

**ФАРЗАНДИ КАМОЛОТИ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРИШ, УНИНГ МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК, ОРИФ ИНСОН БЎЛИБ ЕТИШИШИ ЙЎЛИДА БОР КУЧ-ҒАЙРАТИНИ САФАРБАР ЭТИШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ. ШУ БОИС ЎҚИТУВЧИЛИК ЮРТИМИЗДА АЗАЛДАН ЭНГ ШАРАФЛИ КАСБ СИФАТИДА ЭЪЗОЗЛАНАДИ.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида ўсиб келаётган ёш авлод камолоти, истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия соҳасида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда катта омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ёш авлодга таълим-тарбия бериш тизимини жаҳон андозалари даражасида ислоҳ этиш имконини бермоқда.

Ушбу ҳужжатларга кўра юртимизнинг барча гўшаларида замонавий билим масканлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари барпо этилиб, улар энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси билан таъминланмоқда. Айни пайтда мактабларни ўқув адабиётлари, фан кабинетларини кўргазмали воситалар, турли қўлланмалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўқитиш жараёнининг сифати педагог ходимларнинг касб малакаси ва маҳорати, ўқувчига бераётган билимининг нечоғли юқори ва пухталигига ҳам боғлиқ. Қувонарли жиҳати шундаки, таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, касб маҳоратини юксалтириш, меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимизнинг доимий эътиборида.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 25 ноябрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўқитувчилар меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш, соҳа ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Мен ўттиз тўрт йилдан буён ўрта мактабда ўқитувчилик қиламан. Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ушбу касб эгалари ҳеч қачон истиқлол йилларидаги каби қадр, эъзоз ва эътибор топмаган. Биз, педагоглар заҳматли касбимизнинг аҳамияти ва обрў-эътиборини тинмай ошириш, меҳнатимизни муттасил рағбатлантириш борасида изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган самарали ишлар олиб борилаётганининг гувоҳимиз.

Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдори бир неча бор кўтарилди. Бошланғич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар, ўқитувчиларга синф раҳбарлиги, дафтар текширганлик, ўқув кабинетлари ва лаборатория мудирлиги учун қўшимча ҳақлар белгиланди.

Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ ўқитувчилар учун педагогик юкламалар мақбуллаштирилди. Бундай эътибор ва ғамхўрликнинг барчасини ҳар бир ўқитувчи ўзининг кундалик меҳнат фаолияти давомида астойдил ҳис этиб турибди.

Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш директор жамғармасининг ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди. У ўқитувчиларни тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни бажарганлик, касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳиссасини, юқори натижалар ва таълим сифати эътиборга олинган ҳолда моддий рағбатлантириш имконини беради. Мазкур жамғарма маблағларини тасарруф этиш ҳар бир мактабда унинг раҳбари бошчилигида педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этилган махсус комиссия томонидан амалга оширилмоқда.

Мактаб таълимига қаратилаётган эътибор, ўқитувчилик касбини эъзозлаш борасидаги эзгу ишлар бизнинг мактабимизда ҳам ўзининг амалдаги ифодасини топмоқда. Мактабимизда етти юз эллик нафар ўқувчи билим олади. Қирқ беш кишидан иборат педагогик жамоамизда ёш авлоднинг пухта билимли, соғлом тафаккур, юксак маънавият соҳиби бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтилаётган дарс-машғулотлари жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, ёшларга билим баробарида мукаммал тарбия бериш, уларни юрт тақдири учун дахлдор, фидойи инсонлар бўлиб вояга етказиш масалалари ўқитувчиларнинг диққат марказидадир.

Келажагимиз эгаси бўлган фарзандларимизга муносиб билим ва тарбия беришдек масъулиятли вазифани адо этишда давлатимиз раҳбари биз, ўқитувчиларга кўрсатаётган бундай ғамхўрликлардан беҳад мамнунмиз.

**Мавзура ЗОКИРОВА,**
**Тошкент шаҳридаги**
**192-мактабнинг она тили ва**
**адабиёти ўқитувчиси.**
**(ЎзА)**

**РОССИЯ ПОЙТАХТИДА ЯКУНЛАНГАН «МОСКВА ПРЕМЬЕРАСИ» КИНОФЕСТИВАЛИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК КИНО УСТАЛАР ТОМОНИДАН СУРАТГА ОЛИНГАН «ЗАБАРЖАД» БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ НАМОЙИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

# ЎЗБЕК ФИЛЬМИНИНГ МОСКВАДАГИ ПРЕМЬЕРАСИ

— «Москва премьераси» кинофестивали олтинчи бор ўтказилаётган бўлиб, йилдан-йилга унинг иштирокчилари ва томошабинлари сони ортиб бормоқда, — дейди киношунос, Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби Елена Стишова. — Бу галги анжуманда «Евроосиё панорамаси» лойиҳасини амалга оширишга қарор қилдик. Унинг доирасида МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари киночиларининг асарлари намойиш этилди. Ўзбекистонлик режиссёр Баҳодир Одиловнинг «Забаржад» бадиий фильми фестиваль доирасида намойиш этиш учун танлаб олинган еттита фильмдан бири бўлди. Асар юксак маҳорат билан суратга олинган, режиссура ва актёрлар ижроси юқори даражада. Фильм сюжети бўйича мелодрама бўлиб, ундаги воқеалар ҳар ким учун тушунарлидир. Бундан ташқари, биз мазкур фильмни танлаб олишда москвалик кино шинавандаларининг ҳозирги Ўзбекистон ҳаётига бўлган қизиқишини ҳам инобатга олганмиз.

Томошабинларга фильмни бош қаҳрамон ва иккинчи режиссёр Элмира Раҳимжонова тақдим этди.

— «Забаржад»нинг премьераси жорий йил баҳорида Тошкентда бўлиб ўтган эди, — деди ўзбекистонлик актриса. – Мана энди у Москвада намойиш этилмоқда. Асар томошабинларга ёқишига, улар менинг қаҳрамонимни, унинг ички кечинмаларини тушунишларига ва уни ёқтириб қолишларига умид қиламан. Киночилар уйи залидаги ҳар бир инсон экранда ўз ҳаётининг қайсидир жиҳатларини ҳам учратади. Мазкур премьера Ўзбекистон ва Россия кино усталарининг ҳамкорлигини давом эттириб, ҳамкасблар ўртасидаги самарали фикр алмашинувига имкон беради, деб умид қиламан.

Томошабинлар кундалик ташвишлар ва орзу-умидлар оғушида ҳаёт кечираётган ёш аёл ҳикоясини катта қизиқиш билан томоша қилиб, асар якунида унинг муаллифларини узоқ қарсаклар билан олқишлашди.

**О.ШАТУНОВСКИЙ,**
**«Жаҳон» АА.**
**Москва.**

ТВ · O'ZBEKISTON · TOSHKENT · SPORT · 1 · РОССИЯ ТЕЛЕКАНАЛ · НТВ · ТВ3

## ДУШАНБА, 22

**«Ўзбекистон»**

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 12.50, 22.55 «Иқлим».
7.05, 23.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 14.20, 18.45, 20.50 «Олтин мерос».
8.50, 17.30 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
9.40 «Изҳор».
9.45, 16.00 «Икки дарё оралиғида».
10.05 «Болалар дунёси».
10.25 «Турон ботир». М/ф.
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
12.55 «Орзулар ортида». Б/ф.
14.30 «Олам ва одам» дастури: «Коинот бўйлаб саёҳат».
15.10 «Рангин дунё».
15.30 «КиноТеатр».
16.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Чуст пичоқлари».
16.35 «Бир кун».
17.10 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Сизнинг адвокатингиз».
18.20, 20.45 «Минг бир ривоят».
18.25 «Рамазон туҳфаси».
18.50 «Бир асар тарихи».
19.10 «ТВ – шифокор».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
21.30 «Парламент вақти».
21.50 «Инсон матонати». Т/с.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».

**«Ёшлар»**

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00, 18.00 «Даврнинг боласи».
7.10 «Мультипанорама».
7.30 «Томчининг саёҳати».
8.20 «Ипак сеҳри».
9.00 «Зооолимпиада».
9.45 «Келажак овози».
9.55 «Устозга таъзим».
10.00 «Давр».
10.30 «Мўйқалам сеҳри».
11.10 «Акс».
11.40 «Хонума хоним». Спектакль.
13.50 «Устозлар».
14.00 «Кичкина табиб». Б/ф.
15.30 «Болалик орзуси».
15.55 «Шарқ гавҳари».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Мўъжизавий дунё».
16.50 «Мафтункор замин».
17.00 «Келажак эгалари».
17.10 «Соғлик-бойлик».
17.30 «Матонат».
17.45 «Онажон Тошкентим!».
17.50 «Мароқли математика».
18.10 «Сеними, шошмай тур!».
18.20 «Болалар табассуми».
18.30 «Динотопия». Т/с.
18.55 «Борлигимиз».
19.30 «Куз дўли». Т/с.
20.10, 22.35 «UzEX».
20.15 «Тошкентнома».
20.35 «Истиқлол шукуҳи».
20.40 «Автопатруль».
21.00 «Устоз ҳақида сўз».
21.05 «Июнь оқшоми». Т/с.
21.55 «Юрт тинчлиги».
22.30 «Тошкент-2200».
22.40 «Само жанги».
23.30 «Таскин».

**«Тошкент»**

17.55 М/с «Тоғлик».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Уйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Облучение».

**«Первый канал»**

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.35, 2.00 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.20 «Убойная сила».
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.15 «Огонь любви».
15.10 «Давай поженимся!».
16.00 «Федеральный судья».
17.10 Жди меня.
18.05 «След».
18.50 «Монтекристо».
20.00 Время.
20.30 «Галина». Сериал.
21.30 «Неизвестные дети известных родителей».
22.50 Теория невероятности.
23.40 «Гении и злодеи».
00.30, 2.05 Х/ф «Скажи что-нибудь».
2.20 Триллер «Смирительная рубашка».

**«Россия»**

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.55 Х/ф «Карьера Димы Горина».
9.45, 16.50 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.20, 13.20, 16.25, 19.35 Вести-Москва.
10.40 «Котенок по имени Гав». «Сестрица Аленушка и братец Иванушка». М/ф.
11.05 Х/ф «Выбор моей мамочки».
13.40 Х/ф «Ваша остановка, мадам!».
15.30 «Кулагин и партнеры».
17.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
18.00 «Родные люди». Сериал.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Кружева».
21.50 «Я старым не буду».
22.50 «Вести+».
23.10 «Честный детектив».
23.40 «Синемания».
00.10 «Дорожный патруль».
00.30 «Джейсон отправляется в ад: Последняя пятница». Х/ф.
1.55 «Призраки Миссисипи». Х/ф.

**«НТВ»**

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Следствие вели...».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня».
9.20 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
9.55 «Кулинарный поединок».
10.55 «Квартирный вопрос».
12.35 Х/ф «Муж на час».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30 Сериал «Возвращение Мухтара».
18.40 Сериал «Платина».
19.40 Сериал «Час Волкова».
20.40 «Закон и порядок».
22.00 «Проклятый рай-2».
22.55 Профессия - репортер.
23.15 «Школа злословия».
00.00 «Quattroruote».
00.30 Х/ф «Барреты с Уимпоул-Стрит».
2.35 «Преступление в стиле модерн».
3.15 Сериал «Без следа-5».
4.05 Сериал «Холм одного дерева-4».

**«СТС»**

7.00 «Зена -королева воинов». Сериал.
7.55, 14.00 «Смешарики». М/с.
8.00, 12.00, 18.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
8.30, 10.30, 20.00 Сериал «Папины дочки».
9.00, 21.00 «Рыжая». Сериал.
10.00, 19.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00 Сериал «Кто в доме хозяин?».
13.00, 18.30, 5.00 «Не может быть!».
14.30 «Приключения карманных дракончиков». М/с.
15.00 «Зорро. Поколение Зет». М/с.
15.30 «Трансформеры». М/с.
16.00 «Люди в черном». М/с.
16.30 «Клуб Винкс - «Школа волшебниц». М/с.
17.00 «Ханна Монтана». Сериал.
17.30 «Галилео».
22.00 «Ранетки». Сериал.
22.58 Скажи!
23.00 Х/ф «Учитель на замену».
1.30 Кино в деталях.
2.30 «Беглецы». Х/ф.
5.50 Музыка на СТС.

**«ТВ-3»**

7.00, 9.15 Мультфильмы.
7.45 М/ф «Космические ковбои».
8.15 М/ф «Мир Бобби».
8.45 М/ф «Черепашки-ниндзя».
9.55, 10.55, 14.55, 15.55, 19.55, 00.55 «Астропрогноз».
10.00, 16.00 «Баффи - истребительница вампиров».
11.00 Д/ф «Правда об НЛО: «День после Розвелла».
13.00, 19.00 «Город пришельцев».
14.00, 18.00 Сериал «Звездные врата: Атлантида».
15.00 Д/ф «Городские легенды».
17.00 Д/ф «Разрушители мифов».
20.00 Сериал «Говорящая с призраками».
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Кутузов. Три смерти фельдмаршала».
22.00 «Пропавший».
00.00, 3.00 Сериал «За гранью возможного».
1.00 Х/ф «Город проклятых».
4.00 Х/ф «Легенда о Суриотай».
6.00 Релакс.

## СЕШАНБА, 23

**«Ўзбекистон»**

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 12.50, 22.55 «Иқлим».
7.05, 23.15 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 18.40, 20.50 «Олтин мерос».
8.40, 17.25 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
9.30 «Изҳор».
9.35, 16.05 «Икки дарё оралиғида».
9.55 «Уйла, Изла, Топ!».
10.35 «Ўрмон эртаклари». М/ф.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 19.10 «ТВ - шифокор».
11.15, 20.05 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
12.55, 21.50 «Инсон матонати». Т/с.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Коинот бўйлаб саёҳат».
15.05 «Заковат».
16.25 «ИИВ хабарлари».
16.45 «Дунё манзаралари».
17.10 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.15, 20.45 «Минг бир ривоят».
18.20 «Рамазон туҳфаси».
18.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
21.30 Эркин мавзу.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қандай гўзал бу дунё».

**«Ёшлар»**

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00, 18.00 «Даврнинг боласи».
7.10 «Мультипанорама».
7.30 «Сўнмас юлдузлар».
7.50, 19.30 «Куз дўли». Т/с.
8.25 «2000-йилдан сўнг».
9.05 «Шарқ дарвозаси».
9.10, 21.05 «Июнь оқшоми». Т/с.
9.55 «Мафтункор замин».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 17.00 «Ёшлар майдони».
11.00 «Чемпион».
11.20 «Камолот».
11.30 «Kinomaniya».
12.00 «Балойи нафс». Т/с.
12.40 «Сурхон кулоллари».
12.55 «Устозга таъзим».
13.10 «Ватанпарвар».
14.00 «Пари момо». Б/ф.
15.10 «Ўтмиш ҳиёбони».
15.35 «Жаннат ўлкам».
15.40 «Миллий мультфильм».
15.55 «Шарқ гавҳари».
16.10 «Мўъжизавий дунё».
16.50 «Сувни асранг!».
17.50 «Мароқли математика».
18.10 «Сеними, шошмай тур!».
18.20 «Болалар табассуми».
18.30 «Динотопия».
18.55 «Борлигимиз».
20.10, 22.35 «UzEX».
20.15 «Яшаш сирлари».
20.35 «Истиқлол шукуҳи».
20.40 «Автопатруль».
21.00 «Устоз ҳақида сўз».
21.50 «Телетуҳфа».
21.55 «Юрт тинчлиги».
22.30 «Тошкент-2200».
22.40 «Само жанги».
23.30 «Таскин».

**«Тошкент»**

17.55 М/с «Тоғлик».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Ҳимоя».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Уйларим».
22.10 «Профессионал».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Озорник».

**«Первый канал»**

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.35, 2.00 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.20 «Убойная сила». Сериал.
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.15 «Огонь любви». Сериал.
15.10 «Давай поженимся!».
16.00 «Федеральный судья».
17.10 «Пусть говорят».
18.05 «След».
18.50 «Монтекристо». Сериал.
20.00 Время.
20.30 «Галина». Сериал.
21.30 «НЛО. Очевидцы».
22.50 Ударная сила.
23.40 Комедия «Крутой и цыпочки».
1.30, 2.05 Х/ф «Братья по оружию».

**«Россия»**

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.55 «Кто Вы, мистер Рид?».
8.50 Сериал «Осенний детектив».
9.45, 16.50, 3.45 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.20 Вести-Московская область.
10.40 «Котенок по имени Гав». М/ф.
10.50 Сериал «Застава».
11.50, 13.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
13.20, 16.25, 19.35 Вести-Москва.
14.40 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
17.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
18.00 «Родные люди». Сериал.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Сериал «Кружева».
21.50 «Печки-лавочки» Лидии Шукшиной».
22.50 «Вести+».
23.10 «Вещественное доказательство». Х/ф.
1.05 «Дорожный патруль».
1.20 Сериал «Визит к Минотавру».
2.45 Сериал «Большая любовь-2».

**«НТВ»**

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Наше все!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня».
9.20 «Чистосердечное признание».
10.00 Сериал «Автобус».
12.35 Сериал «Синдикат».
13.30 «Суд присяжных».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30 Сериал «Возвращение Мухтара».
18.40 Сериал «Платина».
19.40 Сериал «Час Волкова».
20.40 Сериал «Закон и порядок».
22.00 Сериал «Проклятый рай-2».
22.55 «Главная дорога».
23.30 Х/ф «Плезантвиль».
1.55 Сериал «Братва».
3.10 Сериал «Без следа-5».
4.05 Сериал «Холм одного дерева-4».

**«СТС»**

7.00 «Зена -королева воинов». Сериал.
7.55, 14.00 «Смешарики». М/с.
8.00, 12.00, 18.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
8.30, 10.30, 20.00 Сериал «Папины дочки».
9.00, 21.00 «Рыжая». Сериал.
10.00, 19.30, 1.00 Истории в деталях.
11.00, 22.00 «Ранетки». Сериал.
13.00, 18.30, 4.45 «Не может быть!».
14.30 «Приключения карманных дракончиков». М/с.
15.00 «Зорро. Поколение Зет». М/с.
15.30 «Трансформеры». М/с.
16.00 «Люди в черном». М/с.
16.30 «Клуб Винкс - «Школа волшебниц». М/с.
17.00 «Ханна Монтана». Сериал.
17.30 «Галилео».
22.58 Скажи!
23.00 Х/ф «Замена. Последний урок».
00.45 «6 кадров». Сериал.
1.30 «Эмми»-2008".
2.45 «Танцы под звездами». Х/ф.
5.40 Музыка на СТС.

**«ТВ-3»**

7.00, 9.15 Мультфильмы.
7.45 М/ф «Космические ковбои».
8.15 М/ф «Мир Бобби».
8.45 М/ф «Черепашки-ниндзя».
9.55, 10.55, 14.55, 15.55, 19.55, 00.55 «Астропрогноз».
10.00 «Баффи - истребительница вампиров».
11.00 Д/ф «Тайные знаки».
12.00 Д/ф «Правда об НЛО: «СССР».
13.00, 19.00 Сериал «Город пришельцев».
14.00, 18.00 Сериал «Звездные врата: Атлантида».
15.00, 20.00 Сериал «Говорящая с призраками».
16.00 Сериал «Ангел».
17.00 Д/ф «Разрушители мифов».
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Княгиня Ольга. Любовь длиннее жизни».
22.00 Сериал «Пропавший-2».
00.00, 3.00 Сериал «За гранью возможного».
1.00 Х/ф «Саблезубый».
4.00 Сериал «Пропавший».
6.00 Релакс.

## ЧОРШАНБА, 24

**«Ўзбекистон»**

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 12.50, 22.55 «Иқлим».
7.05, 23.15 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.20, 18.40, 20.50 «Олтин мерос».
8.40, 17.30 «Турмуш чорраҳаларида». Т/с.
9.30 «Изҳор».
9.35, 16.00 «Икки дарё оралиғида».
9.55 «Бизнинг кутубхона».
10.05 «Ўрмон эртаклари». М/ф.
10.25 «Ягона оилада».
10.45 «Ҳудудлар ҳаёти».
11.10, 19.10 «ТВ - шифокор».
11.15, 20.05 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
11.50 «Қашқадарё соҳиллари бўйлаб».
12.55, 21.50 «Инсон матонати». Т/с.
14.25 «Яшил хазина».
15.15 «Бир асар тарихи».
15.35 «Маҳалла».
16.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.10 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Сизнинг адвокатингиз».
18.15, 20.45 «Минг бир ривоят».
18.20 «Рамазон туҳфаси».
18.50 «Навоийни англаш».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Қишлоқ ҳаёти».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».

**«Ёшлар»**

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00, 18.00 «Даврнинг боласи».
7.10 «Мультипанорама».
7.30 «Ҳаёт сўқмоқлари».
7.50, 19.30 «Куз дўли». Т/с.
8.25 «2000-йилдан сўнг».
9.05 «Шарқ дарвозаси».
9.10, 21.05 «Июнь оқшоми». Т/с.
9.55 «Мафтункор замин».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Давр».
10.10, 17.00 «Ёшлар майдони».
11.00 «Journal».
11.20 «Нафосат олами».
11.30 «Марғилон».
12.00 «Балойи нафс». Т/с.
12.40 «Матонат».
12.55 «Устозга таъзим».
13.10 «Келажакка интилиб».
13.35 «Ёшлар йили».
13.40 «Автопатруль».
14.00 «Орзу ортидан». Б/ф.
15.10 «Ўтмиш ҳиёбони».
15.35 «Жаннат ўлкам».
15.40 «Миллий мультфильм».
15.55 «Шарқ гавҳари».
16.10 «Мўъжизавий дунё».
17.50 «Мароқли математика».
18.10 «Сеними, шошмай тур!».
18.20 «Болалар табассуми».
18.30 «Динотопия».
18.55 «Борлигимиз».
20.10, 22.00, 22.35 «UzEX».
20.15 «Тошкентнома».
20.35 «Истиқлол шукуҳи».
20.40 «Уйимдаги фариштам».
21.00 «Устоз ҳақида сўз».
21.55 «Юрт тинчлиги».
22.30 «Тошкент-2200».
22.40 «Само жанги».
23.30 «Таскин».

**«Тошкент»**

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 18.50 «Эсмеральда». Т/с.
8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.15, 11.25, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.20 «Ҳимоя».
9.30, 10.30, 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45, 11.15, 20.50 «Репортаж».
9.55, 21.45 «Уйларим».
10.00, 19.25 Музыка SMS.
10.25, 18.25 «Биласизми?».
10.40, 20.20 «Милагрос». Т/с.
11.10 «Мысли вслух».
11.35 Х/ф «Озорник».
17.55 М/с «Тоғлик».
19.50 «Дурдона».
21.00 «Жозиба».
22.10 2008 – Ёшлар йили. «Эртамиз эгалари».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Пока не сыграл в ящик».

**«Первый канал»**

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.35, 2.00 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.20 «Убойная сила». Сериал.
12.25 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.15 «Огонь любви». Сериал.
15.10 «Давай поженимся!».
16.00 «Федеральный судья».
17.10 «Пусть говорят».
18.05 «След».
18.50 «Монтекристо». Сериал.
20.00 Время.
20.30 «Галина».
21.30 «Лидия Федосеева-Шукшина. О любви, о детях, о себе...».
22.50 «Храм изгнанников».
23.40 Х/ф «Все или ничего».
1.35, 2.05 Х/ф «Дорога в 12 миль».

**«Россия»**

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.55 «Пусть всегда буду я. Лев Ошанин».
8.50 Сериал «Осенний детектив».
9.45, 16.50, 3.45 Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.20 Вести.
10.40 «Котенок по имени Гав». М/ф.
10.50 «Застава».
11.50 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
13.20, 16.25, 19.35 Вести-Москва.
13.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
14.40 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
17.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
18.00 «Родные люди». Сериал.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Кружева».
21.50 «Наркотики. Хроника необъявленной войны».
22.50 «Вести+».
23.10 «Не ставьте Лешему капканы...». Х/ф.

*(Давоми 4-бетда).*

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

**Ҳар ёмонликнинг бир яхшилиги бўлади. Унга эришгунча сабр қилиш керак.**

* * *

**Ҳар мамлакат кишисининг ўзига хос табиати бўлади.**

* * *

**Бир-бирига зид нарсалар турар бўлса бир ерда:**
**Ажралади яхши, ёмон: бирга турган тақдирда.**

* * *

**Шум фалак макри ҳамиша бошимиз айлантирур,**
**Фикримиз чулғаб, кўнгулни банд этиш касби эрур.**
**Ажратиб дўстларни дўстлардан, юракни қон этар,**
**Марҳамат этмас гаҳи, гаҳ лутф ила эҳсон этар.**

* * *

**Эҳтиёткорлик тақдирга тўсқинлик қилмайди.**

* * *

**Ҳар бир замоннинг ўзига яраша давлати ва одамлари бор.**

* * *

**Букчайиб, ерга энгашган чол мудом дайдир эди,**
**Мен савол берсам, қилиб таъзим бундай дер эди:**
**Ёшлигимни мен йўқотдим! Излагайман энгашиб**
**Кўзларим ўтмас қарашга, ёш етмишдан ошиб.**

* * *

**Кекса киши айб иши: таҳқирланар,**
**Айб иш ила оқ соқолинг кирланар.**

* * *

**Бошки, саломат: сенга шунинг ўзи бас,**
**Мол ила мулк барчасидир ҳору хас.**

* * *

**Ҳажр ярасин дориси: ёлғиз висол!**

* * *

**Жаҳлинг қўзиганда, бўл андак вазмин,**
**Мусибат етганда, бўлгин чидамли.**
**Шод пайтинг емагин ҳар ишнинг ғамин,**
**Шодлик пайида бўл, юрмасдан ғамли.**

* * *

**Овқатдан бош олмаслик ҳайвонлик нишонаси.**

* * *

**Хафалик ҳеч қачон бирон фойда келтирмайди.**

* * *

**Инсон доим туғилар-у ўсар, унар, етилар,**
**Аммо бир кун узун, қисқа: бир тобутга тиқилар.**
**Хоҳ хушчақчақ, хоҳ серқайғу, хоҳ қораю хоҳи оқ:**
**Хоҳи хунук, хоҳи гўзал: тўкилур бир кун тупроқ!**

* * *

**Хўжага ярашадиган иш хизматчиларга ярашмайди.**

* * *

**Ёмоннинг умри кеч ўтади.**

* * *

**Сирка курти унинг ичида ўзидан пайдо бўлади.**

* * *

**Ишончли кишининг хоин бўлиши мумкин эмас.**

* * *

**Ҳар кишининг бўлса пок номус ила ори агар,**
**Ҳар кийим кийса ярашгай, қилмиши доим зафар.**

* * *

**Афв тақво билан тенг даражада.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.**

